

„ЛУНА—16“ ЕРГА ҚҰНДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 191 (4438). | 25 сентябрь, 1970 йил, ЖУМА | Баҳоси 2 тийин.

● СОВЕТ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИНИНГ ЯНГИ ЗАФАРИГА ЖАҲОН ҚОЙИЛ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

«Луна-16» автомат станциясини яратиш, учирини ва унинг парвозини амалга оширишда қатнашган биз, олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчилар КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига қуйидагиларни маълум қиламиз: автомат аппарати бошқа самовий жисмга учирини, унинг тупроғидан намуна олиш ва Ерга қайтиб келиш каби принципиал янги вазифа жаҳон космонавтикасида биринчи марта муваффақиятли ҳал этилди. Бу билан олин ва қуёш системасидан планеталарни автомат аппаратлар ёрдамида бундан буён ҳам тадқиқ этиш йўлида кенг истифодалар омилади.

Ерга қайтиб келадиган космик ракетаси бўлган автомат станциясини Ойга қўйиришнинг практикада биринчи марта тадқиқ этилган усули самовий жисмларнинг турли районларини ишончли ва нўтисоди жўхатдан фойдалани усуллар билан систематик равишда ўрганиш вазифасини ҳал этиш имконини беради.

«Луна-16» автомат станциясининг парвози давомида янги конструкциянинг ишлан қўйилти, унинг гоат мустаҳкамлиги ва конструктив жўхатдан мукамаллиги тўғрисида тажриба учун жуда муҳим маълумотлар олинди. Бу аса неданк космик техникасининг

мукамал нўсхалари конструкциясини яратиш ва уларни вўжудга келтиришда янги имкониятлар очиб беради.

Биз меҳнатимизни тўймай қўллаб-қувватлаганликларини, ана шу қийин ва масъулиятли вазифани бажаришда бизга юксак ишонч билдирганликларини учун жўнагон Коммунистик партиядан, Совет ҳўкуматидан ва бутун халқимиздан астойдил миннатдоримиз.

Биз, «Луна-16» автомат станциясини яратувчилар совет фани ва техникасининг ана шу ютуғини халқимизнинг ҳаётидаги шонли воқеа—Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXIV съездига бағишлаймиз. «Луна-16» автомат станциясининг парвози Коммунистик партиянинг тапқилотчиси ҳамда жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган кўнининг юз йиллиги билан бир вақтда тўғри келганлигидан фўхрланамиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳўкуматини ва бутун совет халқини ишонтириб айтмасики, ўзўр Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида, бутун инсониятнинг манфаатлари йўлида космосни тобора ўлаштириш соҳасидаги янги вазифаларини амалга ошириш учун эўр бериб ҳаракат қи таверамиз.

«ЛУНА-16» АВТОМАТ СТАНЦИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА УНИНГ ПАРВОЗ ҚИЛИШ ПРОГРАМ- МАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР, КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕР- ЛАР, ТЕХНИКЛАР, ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА БАРЧА ТАШКИЛОТЛАРГА

Азиз ўртоқлар!
Бизнинг мамлакатимиз, совет фани ва техникаси космик фазони тадқиқ этиш ва ўлаштириш соҳасида янги жуда катта янги муваффақиятга эришди.

1970 йил 12 сентябрда парвоз қилган «Луна-16» автомат станциясини учини вақтида бир қанча мураккаб маневрлар қилди ва Ойнинг илгаридан белгилан қўйилган районига оҳиста қўнди. Ой тўроғидан намуна олди, сўнгра аса шу станциядан парвоз қилган космик ракета тўроғининг ана шу намунасини Совет Иттифоқи территориясининг белгилан қўйилган районига Ерга олиб тушди.

Автомат аппаратнинг бошқа самовий жисмга учини, ундаги тўроғидан намуна олиб, ерга қайтиб тушини каби принципиал янги вазифа космосни ўлаштириш жаҳон практикасида биринчи марта муваффақиятли ҳал этилди.

Космик фазони ўрганиш ва ўлаштириш вазифалари доим мураккаблашиб бормоқда ва бўнинг учун зарўр бўлган космик техникани вўжудга келтиришнинг техникавий ва иқтисодий жўхатдан рационал воситаларини қидириб топиш талаб этади. «Луна-16» станциясини учирини программасининг амалга оширилиши космик фазони тадқиқ, этиш ва Ой ҳамда Қўёш системасидаги планеталар юзасида

илимий ахборот олиш учун автомат аппаратлар қўлланишининг катта имкониятлари ва кенг истифодалари борлигини ана бир марта тасдиқлади.

Совет фани ва техникасининг космик автомат станцияларини вўжудга келтириш соҳасидаги янги муваффақиятларини ишчилар синфимизнинг, совет илимий-техника зиёлиларининг илҳомбахш меҳнати тўғрисида қўлга киритиш мўмкин бўлди. Ленин юбилейи йилида, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездида тайёргарлик даврида бу галабага эришилганлиги айниқса қўвончлидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети «Луна-16» автомат станциясини яратиш ва унинг парвозини амалга оширишда қатнашган олимларини ва конструкторларини, инженерлар, техниклар ва ишчиларини, барча коллективлар ва ташкилотларини дўстхон табриклайдилар.

Қаҳрамон халқ, бунёдкор халқ—совет халқига шон-шарафлар!
Яшасин улўр Ватанимиз бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида барча галабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси—Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини!

ЗЎР КОСМИК ЭКСПЕРИМЕНТ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

„ЛУНА—16“ АВТОМАТ СТАНЦИЯСИНИНГ ЕРГА
ҚАЙТАРИБ ТУШИРИЛАДИГАН АППАРАТИ СОВЕТ
ИТТИФОҚИНИНГ МЎЛЖАЛЛАБ ҚЎЙИЛГАН
РАЙОНИГА ОҲИСТА ҚЎНДИ
ТАСС АХБОРОТИ

Бугун, 1970 йил 24 сентябрда Москва вақти билан соат 8 дан 26 минут ўтганда «Луна-16» автомат станциясининг Ерга қайтариб тушириладиган аппарати Совет Иттифоқининг ҳисоблаб қўйилган районига — Қозоғистон ССР Жезқозғон шаҳридан 80 километр шарқи—жанубга оҳиста қўнди.

Ичига Ой тўроғидан намуналар солиниб, зич берки-тиб қўйилган контейнер жойланган Ерга қайтариб туши-

рилувчи аппарат парашютда тушаётган пайтда қидирув комплекси воситалари уни қўзатиб турди. Аппарат ерга қўнганидан кейин вертолётда олиб кетилди, кейин у Москвага олиб борилади.

Ой жинслари солинган контейнер таҳлил қилиш ва ўрганиш учун СССР Фанлар академиясига топширилади. Тадқиқотларнинг натижалари эълон қилинади.

Космик фазони ўлаштириш тарихида биринчи марта Ой тўроғи автомат аппарат ёрдамида Ерга келтирилди.

БУЮК КАШФИЁТ

Бугунги кўндаги совет олимларининг буюк кашфиётидан биригина Совет Иттифоқи мамлакатлари эмас, бутун дўн кишилари қа-бардор. Ҳамманинг диққат маркази «Луна-16» автоматик станциясинга қаратилган.

Инсон иштирокисиз Ой қатла-мидан намуна келтириш... Ахир бу XX аср мўъжизаларининг мўъжизаси-ку! Ҳа, XX аср—мўъжизалар асри. Совет Ватани аса, мўъжизакорлар Ватани. Йқингидада барча жаҳон аҳли Совет Ватанидан учган космос пионерини олқийлаган, группа бўлиб учинларни шарафлаган, фазода автоматик станциялар бунёд этишининг тўво-қи бўлган бўлса, бугун ана бир буюк кашфиёт билан табриклан-моқдалар.

Совет олимлари томонидан учир-илган «Луна-16» автоматик стан-циясини жаҳон халқини ҳайратда қўлдириб, Ой юзасига юмшқ қўн-ди. Жаҳон тарихида биринчи мар-та автоматик станция худди ан-дан инженерлардан Ойга геология-қидирув ишларини амалга ош-ири. Ой қатламидан намуна олиб Ерга қайти.

Автоматик станция бугун ўз совғаси билан она еримизга қай-тиб тушди. Бу — совет олимлари ва инженерларининг олам-шумул аҳамиятга эга бўлган буюк каш-фиётидир.

Мўъжизалар яратувчи совет олимлари ва инженерларига офа-рини!

Раҳмат ФАЙЗИ,
ёзувчи.

БАЛЛИ

Совет фани ва техникасининг яна бир улкан муваффақияти жаҳонни ҳайратга солмоқда.

Планеталар сирларини чуқур-роқ ўрганиш йўлида олдинга қў-йилган бу катта одим — «Лу-на-16» автомат станциясининг яратилиши барча совет кишила-ри қатори Олмалиқ шаҳар меҳ-наткашларининг қўвончига қў-вонч қўшди. Автомат станция-нинг муваффақиятли парвоз қи-лиши, Ой юзига қўниб, унинг жинсларидан намуналар олиб ана она-Еримиз томон қўтари-лиши ақл бовар қилмайдиган воқеадир. Бу мураккаб ишлар-нинг барчаси инсон иштироки-сиз, жуда аниқ ишлайдиган тур-ли-туман аппаратлар ёрдамида

амалга оширилганлиги айтилик-дир.

Автомат станциянинг омон-эсон Ватанимиз тўроғига қай-тиб тушганлиги, кинот сирла-рини ўрганишдаги бу улкан за-фар шахримиздаги барча ишчи-хизматчиларнинг меҳнат актив-лигини янада ошириб юбordi.

Металлурлар ва биякорлар, транспортчилар ва қончилар, кимёгарлар, қўйинчи барча ол-малиқликларнинг меҳнатда лиги-яни зафарларга руҳлантириш-да.

Н. ҒОЗИҚУЛОВ,

«Алмаликвинестрой» трес-тининг бригадари, Социалис-тик Меҳнат Қаҳрамони.

ОБЛАСТЬ САНОАТЧИЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Тошкент область ва шаҳар саноат корхоналарининг кол-лективлари юбилей йилида зим-маларига олган социалистик мажбурятларини муваффақ-иятли бажариш ва КПСС XXIV съездини мўносиб меҳнат со-ғалари билан қўтиб олиш учун социалистик мусобақани ала-олибди, катта зафар кўчдилар.

Махсулот реализацияси ҳажми ва буюмларнинг бир қанча му-

хим турларини ишлаб чиқариш бўйича тўққиз ойлик план муд-датидан илгари — 24 сентябр-да тўла бажарилиди.

Саноат ҳодимлари қўлга ки-ритилган бу ютуқларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, ой охиригача пландагидан таш-қари ана уларча миллион сўм лик турли-туман махсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реа-лизация этишга аҳд қилдилар.

МАШИНАЛАР БИЛАН 55 МИНГ ТОННА ПАХТА ТЕРИЛДИ

Колхоз, совхозлар далаида терим машиналари ишга туш-гандан бери пахта тайёрлаш сўрвати кескин ўзгари. Ҳо-зир жуда кўп илғор ҳўжалик-лар ҳар кўни йиллик планнинг 4—5, ҳатто 6 проценти миқдо-рида пахта териб топширмоқ-далар. Бунда «запгори кема» капитанларининг фидокорона меҳнати ҳал қилувчи роль ўй-намоқда.

Кечаги маълумотларга қа-раганда областинида машина-лар билан 55 минг тоннадан орт-тиқ «оқ олтин» териб олин-ди. Бу соҳада оққўрғончилар бори ҳар кўни йиллик планнинг 4—5, ҳатто 6 проценти миқдо-рида пахта териб топширмоқ-далар. Бунда «запгори кема» капитанларининг фидокорона меҳнати ҳал қилувчи роль ўй-намоқда.

Ҳозирги пайтда машиналар-нинг икки сменда ишлашини таъминлаш, бўнинг учун ме-ханизаторларга зарўр бўлган барча шароитларни яратиб бе-риш шу кўнининг муҳим ва ҳал қилувчи вазифаларидан-дир.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЯРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Илалик планга нисбатан
процент ҳисобда)

ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,3	126,4
Янгиўла	4,2	89,2
Юқор Чирчиқ	3,3	84,0
Оққўрғон	1,9	81,2
Бўстонлиқ	4,0	77,9

Область бўйича 2,6 83,9

368.000
тонна пахта учун

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Илалик планга нисбатан процент ҳисобда)

Районлар	Бир кўнунга тай- ерланган пахта	Маъсум дан бери	Машина билан бир кўнунга	Маъсум дан бери
Оққўрғон	4,76	38,65	4,80	36,28
Бўна	4,32	36,03	4,02	29,19
Ўрта Чирчиқ	3,76	38,31	3,47	20,99
Бекобод	2,49	21,61	1,55	9,77
Орқоникдэ	2,12	19,85	1,60	3,70
Янгиўла	2,52	19,05	1,15	4,07
Юқор Чирчиқ	1,84	7,57	1,22	2,33
Область бўйича:	3,53	27,99	3,25	22,02

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Илалик планга нисбатан
процент ҳисобда, биринчи ра-
қамлар — бир кўнунга, иккинчи
рақамлар — маъсум бошидан
бери тайерланган пахта). Бухо-
ро — 3,36, 74,91; Қашқадарё —
3,19, 59,46; Сурхондарё —
2,67, 36,09; Хоразм — 2,33,
31,69; Қорақалпоғистон АССР
2,66, 28,91; Тошкент — 3,53,
27,99; Андижон — 1,91, 27,41;
Фарғона — 1,96, 27,39; Нахан-
ган — 1,94, 23,57; Самарқанд
— 1,49, 14,98; Сирдарё — 2,28,
14,22. Республика бўйича 2,40,
31,56.

ПАХТА далаларида «оқ олтин» ишчи билан тер тўкаётган терим-чи ва механизаторлар тайрларига тайрат қўшмоқдалар. Етишти-рилган «оқ олтин»ни қисқа муддатда йўбўд қиладиган давлат оморла-рига етказиб бериш учун ҳаракат қилишмоқда. Суратларда: (юқо-рида) Ўрта Чирчиқ райониди Кўйбўшев йомли колхозининг чевар теримчиларидан М. Пардаева, М. Малажиповлар. Ўлар ҳар кўни хирмонга 180—190 килограмдан «оқ олтин» тўқиншмоқда. (паст-да) Оққўрғон райониди Москва номи колхозининг эвено бошлиги Т. Маҳмудов. У маъсумда юз тонна пахта терини учун курашмоқда.

Қ. РОЗИҚОВ, (ЎЗТАГ) А. АБАЛҲАН фотолари.

КПСС
СЪЕЗДИНИ
МУНОСИБ ҚУТИБ ОЛАЙЛИК

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАСИ
100.000 ТОННАДАН ОШДИ

Е Р — О Й — Е Р

СОВЕТ КОСМОС ТАДҚИҚОДЧИЛАРИНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ

ОЙ МОДДАСИНИНГ СИРЛАРИ

Мана шу жуда катта эксперимент утказилганлиги, яъни «Луна-16»нинг автомат асбоблари Ой тупроғидан намуналар олганлиги муносабати билан ТАСС мухбири Ю. Новиков Ой моддаси тўғрисида биз кимларни билишимизни айтиб беришни сўраб В. Н. Вернадский номидаги геохимия ва аналитик химия институти лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари доктори Ю. А. Суровога мурожаат қилди.

Авалло, — деди олим, — Ойнинг биринчи сўғлиги йўлдоши бўлиб қолган «Луна-10» совет автотан станцияси олинган натижаларни айтиб ўтмоқ керак. Бу станцияга гаммаспектрометр деган махсус асбоб ўрнатилган эди. Шу асбоб Ой жинсидagi табиий радиатив элементларга асосланиб, шу моддаларнинг харақатини белгилаб берди. Ушба автомат станция ёрдамида биринчи марта бевосита теширув ўтказилди. Ойда унинг бағридан отилиб чиққан моддалар борлиги, бу моддаларнинг таркиби Ер пўстида кўп тарқалган моддаларга энг яқин эканлиги аниқланди. Академик А. П. Виноградов бошчилигида совет олимлари Ой жинсларининг келиб чиқиши ва эволюцияси тўғрисида асосий хулосаларни айтиб бердилар.

— Хўп, Ой моддасининг ўзи нимадан иборат? — Ёрдаги лабораториялар шароитида Ой моддаси билан таъиниш кутилмаган «ўп» натижа бергани кўп. Маълумки, Ой моддасининг биринчи намуналари «деңгиз» районларидан — «Аполлон-11» ва «Аполлон-12» космик кемалари бориб қўнган Тинчлик деңгизи ва Бўрон океанидан олиб келинган эди. Ойнинг мажкур районларидаги моддаларнинг уст қатлами бир-бири билан унчалик боғланмаган, оқ куларинг сарғиш тусдаги донадор юмшоқ жинсдан иборат эканлиги маълум бўлди. Ойдан келтирилган кристалл модда лаборатория шароитида ўзчаб кўришганида унинг солишлари тинчлик деңгизи Ер пўстидаги моддаларнинг ўртача тизилишга яқинроқ бўлиб чиқди.

Бирок, Ойдаги моддалар юзани қатламидан табиий ҳолатдаги, яъни Ой юзасида турган ҳолатдаги тизилишга таъминан кичик-у баравар камроқ, бу ҳақ Ой моддасининг юксак даражада гомоген эканлигини кўрсатади. Ой моддасининг бу ҳолати бундан олдинроқ утказилган экспериментлардан ҳам маълум эди. Бу экспериментларни «Луна-9» ва «Луна-13» автотан станциялари ўтказган эди. Ой заминининг тизилиши ва маҳаллидаги биринчи марта пентрометр ва радиацион плотнометр ёрдамида ўлчаб аниқланди. Шу экспериментлар натижасида олинган маълумотлардан сўнгра кўндалариданги космик аппаратлар яратиб чоғида фойдаланилди.

Ойнинг устки қатлами бир қанча самовий олимларнинг, чуқурчи катта ва кичик метеоритларнинг урилиши, космик нурлар ва Кўеш «шамол» эсиб туриши утказаетган таъсир билан, бениҳоя вакуум ва температуранинг кенг миқёсда ўзгариб туриши таъсири билан Ойнинг асл жинси парчаланиш натижасида ҳосил бўлган, деб фараз қилинмоқда.

Эрозия маҳсули бўлган мана шу заминдан ташқари Ой

Одамлар космосдаги ўзларининг энг яқин қўшниси бўлган Ойнинг сирларини билишга кўп йиллардан бери ҳаракат қилдилар. Олимлар астрономик ва радио астрономик методлар билан кузатишлар, ўтказиб, Ой нималардан таркиб топган? — деган саволга жавоб топишга уриндилар. Кейинги йилларда Ой юзасида ва унинг теварағида бевосита ўтказилган космик экспериментлар бу проблемани ҳал қилиш соатини яқинлаштирди. «Луна-16» совет автомат станциясининг учинчи планеталараро тадқиқотлар тарихида янги саҳифа очилди.

Юзасида тизиб кристалл жинс парчалари ҳам учрайди. Чамаси, бу парчалар атрофдаги кратерлардан отилиб чиққан бўлса керак. Ой жинси намуналарининг ҳаммасини текшириб чиқиш натижасида бу жинсларнинг химиявий таркиби бир хил бўлиб чиқди. Аммо бир оз аралашиб қолган метеорит модда ва, чамаси, Ой «қитъалари» (тоғлиқ районлари) учун харақатли бўлган модда бундан мустаснодир. Шу билан бирга Ойдан олиб келинган намуналар ўзининг таркиби билан ёрдаги жинслар ва метеоритлардан бирмунча фарқ қилади.

Масалан, Тинчлик деңгизи жинсларидан олинган намуналар таркибида 40-45 процент ксилород, 17-21 процент кремний, 12-16 процент темир, 6-9 процент кальций, 4-7 процент алюминий, таъминан яна шунча миқдорда титан ва магний борлиги аниқланди. Бу моддалар таркибида бошқа элементлар бир процентининг бир неча қисми миқдоридан бера экан. Бўрон океанидан келтирилган жинсларнинг таркиби Тинчлик деңгизи районидан олинган жинсларнинг таркибидан унчалик фарқ қилмайд.

Ой жинси таркибидagi асосий минераллар ильменит, пироксен ва плагиоклаздан иборат. Ой жинси таркибидagi минераллар бу жинсларнинг кенг маънодаги базальт типидан бўлган жинс дейиш мумкин. Ер юзасида бу жинсларга энг яқин ва ухшаш бўлган жинс, ақсарият тадқиқотчиларнинг фикрича, базальт ахондир жинси деса бўлади.

— Ой жинсининг физик хоссалари қандай? — Зарфланган саррачалар, реңтген ва ультратинафшан нурлар таъсири остида Ой жинси яқрираб нурланаётганлиги аниқланди. Ой моддасининг ақс оттириш хусусияти ва оптик қўблагини хусусияти тўғрисида ҳам янги маълумотлар олинди.

Ой юзасидан қатламнинг иссиқлиги ўтказиб даражаси Ойнинг асл жинсидаги даражадан таъминан минг баравар кам. Бироқ уларнинг ўз таркибида иссиқлиги сақлаш даражаси деярли бир хил.

Базальт элементларнинг изотоп таркибини текшириш натижасида Ой тўғрисида айниқса муҳим маълумот қўлга киритилди. Масалан, ксилороднинг изотоп таркибини текшириб кўриш йўли билан Ой жинсининг кристаллашмиш температураси Цельсий билан 1200 1300 градус эканлиги аниқланди. Ой жинсининг изотоп температурасининг ёрдаги базальт моддалар билан таққослаб кўриш Ойнинг катта донадор жинслари таркибида сув жуда оз миқдорда бўлган шароитда қолган деб фараз қилишга имкон беради.

тажрибалари билан исбот қилиниб кўрсатилган эди. Ўз таркибий жиҳатидан тош метеоритга яқин бўлган космик моддани зоналарга бўлиб ўрнатиш натижасида худди Ёрдаги жинслар сингари «хиллаверган»; омонлик билан эрийдиган базальтмагма юқорига чиқиб, эриши қийин бўлган дунит моддалар ост томонда қолаверган.

Хозир бир қанча олимлар, Ойда аввало унчалик тизиб бўлмаган пўст ҳосил бўлган, сўнгра уни метеоритлар ёни отилиб чиққан вулкан моддалари урида бериб илма-тешиқ қилиб юборган, деган фикрни маъқулламоқдалар. Мана шу харақат натижасида магма суниб, аяча тизиб жинс, яъни олимлар лабораториясида текширилган модда пайдо бўлган.

Ойда лаванинг қотиши ва жинсларнинг кристаллашуви камидан бундан 3.5 миллиард йил аввал содир бўлган. Лаванинг мана шундай қотиши лавоиди моддаларнинг табакаланниши ҳам рўй берган бўлса керак. Эҳтимол, лава қўллари остида тизилишга қаттароқ бўлган темир-титанли оксидлар қатлами ҳам ҳосил бўлган бўлиши мумкин. Ойнинг олддан ташқари сейсмо ўлчатиш ҳосиласи мана шундан келиб чиққан бўлса керак. Ойга бошқа жинслар урилганида у қўнғироқ каби жаранглайди.


Янги маълумотлар натижасида бизда тобора кўпроқ тугилаетган муайин тасаввур шундан иборатки, Ой Кўеш системаси ичиде вулканга келган ва унинг ривожланиши ҳам бошқа планеталарнинг ривожланиши босиб ўтган йўлдан бораган бўлиши керак. Ойнинг химиявий таркиби ҳам, ёши ҳам, тизилиши ҳам Ернингга яқин эканлиги бунни кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга Ойнинг бирмунча кичикроқ хаймада бўлганлиги унинг ривожланишида бир қанча хусусиятларнинг вулканга келишига сабаб бўлган, Ойнинг Ернингга ўхшаш ядроси йўқ. Ойнинг ўртача тизилиши ҳам, қўблагини ҳам, Ой жинсининг кичиклиги унинг юзасида рўй бераётган жароғиларга таъсир қилмай қолгани мумкин эмас эди. Масалан, Ой атрофида атмосфера йўқ. Ер жинсларининг ҳар доми буниниша ва унинг қиёфасини ўзгартиришга олиб келаетган атмосфера ҳолислари сингари ҳолисалар Ойда йўқ.

Атмосферадан маҳрум бўлган Ойнинг юзаси турли космоя олимларнинг ҳар доми таъсир ўтказиб туриши учун бемажол бўлиб қолган, бу ҳам Ойнинг қиёфасини бошқачароқ бўлсада, ўзгартириб туради.

Шу билан бирга Ой билан Ер ўртасидagi энг катта фарқ шунки, Ойда қадим замоналарда бўлиб ўтган воқеаларнинг излари унинг юзасида сақланиб қолган, аммо Ер юзасида бундай воқеалардан қолган изларнинг қўблагини чўқинди жинслар қатлами қоплаб ётибди. Шу сабабли Ой фақат «космик» нукта назаридангина аҳамиятга бўлиб қолмай, у планетамиз пайдо бўлган илк даврдаги тарихини, ўзиде ақс эттирувчи бамисоди бир ойнадир.

Ю. А. Сурово пировадиди бундай деди: Ойнинг очилган сирлари ҳали кўп. Олимлар «Луна-16» Совет автомат станциясининг учинчи натижасида олинган маълумотлар жаҳон фанининг хазинасини бойитди, деб қўймоқдалар. Бу эксперимент назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.



Автомат станция Ойда. А. Соколов чизган расм. («Правда» газетасидан олинди)

ҒАЙРАТИМИЗГА ҒАЙРАТ ҚЎШДИ

Далаларимизда пахтадан мўл ҳосил етиштириляпти. Қўрққ ерларнинг ҳар гектаридан планда белгиланган 13 центнер ўрнига 20—25 центнердан ҳосил олаёلمиз. Илгир-терим ана шундай аниқга чиққан қўнларда совет олимлари, конструктор ва инженерлари яратган «Луна-16» автоматик станция оға қўниб ерга қайтиб тушди. Бу оламшумул муваффақият барча қатори биз механизаторларни ҳам руҳлантириб юборди.

Автоматик станциянинг ерга эсон-омон қўнганлиги ҳақидаги хабар кучимизга кўп, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Биз механизаторлар бу катта галабани меҳнатда янги йўқларини қўлга киритиш билан қарши олаёلمиз. Мен бу йил ўз машинам билан 150 тоннадан ортиқ пахта териб бераман. Ҳозиргача терган пахта 100 тоннадан ошиб кетди.

Кўнотнинг забт этаётганларининг қўлга киритган бу галабаси бизнинг ҳам ютуғимиздир.

В. БОЗАРОВ, Бекобод районидagi «Ленинград» совхозининг механизатор звено бошлиғи.

ЖАҲОН ҚОЙИЛ

ВАРШАВА

Совет космик автоматининг Ойга қўниб, сўнгра Ер томон қайтиб келаетганлиги Польшадаги газеталар «Совет космонавтиасининг жуда катта ютуғи», инсоннинг ўсиб бораётган техникавий имкониятини кўрсатуви намуна» деб баҳо бермоқдалар.

«Трибуна люду» газетаси бу ютуқни космосни тадқиқ қилиш тарихидаги жаҳоншумул воқеа, деб атамоқда.

«Луна-16» автомат станцияси Ер томон парвоз қилиб қайтиб келаетганлиги, деб ёзди «Йиче Варшави» газетаси, яқин келгусида Кўеш системасининг бошқа қўблагина планеталарига ҳам қўл чўша оладиган инсоннинг жуда катта техникавий имкониятларини кўрсатувчи далил бўлди.

ВАШИНГТОН

Америка матбуоти «Луна-16» Совет автомат станцияси белгилаб берилган программани муваффақиятли амалга оширганлиги катта эътибор бермоқда. «Луна-16» Ер томон парвоз қилганлиги тўғрисидаги хабарни биринчи саҳифада босиб чиқарган «Вашингтон пост» газетаси, бу «утувчининг иштирокисиз Ойга бориб қўнган ва

катта ҳисса деб баҳо бермоқда. Германия Демократик Республикасининг атоқли олим Г. Пфаффе «Луна-16»нинг учинчи Ой моддаларининг намуналарини олиб, Ер томон қайтиб келмоқда, деди у, совет космик автоматининг гоат аниқ ва пухта натижаларини кўрсатувчи далил бўлди.

БЕРЛИН

Совет космонавтиаси, деб ёзди «Нойес дойчланд» газетаси, янги катта галабага эришди. «Луна-16» автомат станцияси Ой моддаларининг намуналарини олиб, Ер томон қайтиб келмоқда, деди у, совет космик автоматининг гоат аниқ ва пухта натижаларини кўрсатувчи далил бўлди.

НЬЮ-ЙОРК

«Учувчининг иштирокисиз космик кеманинг тарихида биринчи бўлиб Ойдан Ерга қайтиб келаетганлиги жуда катта муваффақиятдир», — деб ёзди «Нью-Йорк таймс» газетаси. «Нью-Йорк дейли ньюс» газетаси «Луна-16»нинг учинчи «эмисия» бўлмаган космик эксперимент» деб атамоқда.

Аэрокосмос ва космик фазонинг тадқиқ қилиш миқлиб бошқарилган раҳбарларидан бири бўлган Д. Лоу «Нью-Йорк таймс» газетасининг муҳбири билан суҳбатда «Луна-16» Совет автомат станцияси Ойнинг шу дамгача биронта космик кема бормасан районига бориб келаетганлигининг ўзи бу автомат станциянинг энг муҳим муваффақияти эканлигини қайд қилиб ўтди. Д. Лоу Совет Иттифоқини мана шу муҳим илмий ва техникавий галаба билан муваффақият қилди. Нью-Йоркдаги Хейден планетарийсининг директори доктор Ф. Вренли «Луна-16»нинг қайтиб келиши тўғрисида таъбири: «бу ақолиб учиб бўлди», — деди. Космик фазонинг ўрганни соҳасида етакчи мутахассислардан бири бўлган, Ёрилшан Миллатлар ташкилотининг космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш комитетини топиригига биронан космосни тадқиқ қилиш билан шуғулланаетган профессор У. Ричардс (Аргентина) «Луна-16» автомат станциясининг учиниша «жуда ақолиб илмий муваффақият», деб баҳо берди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

«Луна-16» автомат станциясининг Ёрдан Ойга, Ойдан Ерга бўлган парвози ҳақида берилган хабарларни совхозимиз коллектив қўбонган ҳолада кузатиб туришди.

Ёрга космик планеталардан бири Ойнинг таркибий қисмини ўрганиш имкониятини бера оладиган намуна олиб келишини бу олимларимизнинг гидроки, фан ва техникасининг нақадар катта йўққларидан бири эканлигиндан далолат бериб турибди.

Бундан қўбониб турибдики, бошқа планеталарнинг сирларини ҳам олимларимиз яратаетган автоматик равишда бошқариладиган кораблар ёрдамида ўрганишга узоқ вақт қолмади.

Совхозимиз коллективи олимларимизнинг эришган бу ютуғидан фахрланмоқдалар.

Фан ва техникасининг оламшумул бу ютуғига совхозимиз коллектив маҳсулот етиштириши янада кўпайтириш билан жавоб берадилар. Беш йилликнинг сўнги йилида белгиланган пландан ташқари 1000 тонна турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топширмиш, партиясининг XXIV съезидига муносиб совга тайёрлаимиз.

Р. ҚАМБАРОВ, Калинин районидagi «Партия XXI съезди» совхозининг директори.

О НА — Е Р М Е Х Р И

Ой қўнига оламс қўл солди	Шамолни ойин ҳам олиб кетай	«Оламс қўш қафтида Ойнинг маъдан»
Улугбек хаёли чарх урар	Инсон тафаккурни қанот	Жаҳон сепга қойил, яна эй шовво — томон»
Инсон рўёларин айлади кукун,	Ойдан таралади Ерга овоза:	Советлар элининг дондор Ватани!
Бош чайқаб қолди мен хаёлий	«Ерининг оламс қўш қўнибди майин»	Овозлар овозга тўншаар ана: «Оламс қўш қайтибди Она-Ер томон»
Тўхта!	Ақлдан кўтариб қўнма ҳавола	Едлардан ўчмайди бу ақиб санга,
Тўхта бир зум.	Одам юлдузларин терини	Сепг олқишлайди бутун бир жаҳон...
Чирчираган Ер!	Кулоқ сол бир муддат:	Эргаш МУХАМЕДОВ.
Овоз оқади.	Олам бўйлаб оқар яна бир овоз:	

